

ДОРИВОР ЛИМОНЎТ (MELISSA OFFICINALIS L.)

Ўразова Нигора Бегимкуловна

Жиззах вилояти Бахмал тумани

Бахмал қишлоқ хўжалик касб-хунар мактаби

Агрономия йўналиши ўқитувчиси

Аннотация.Мақолада Республикамизда ўсадиган шифобахш ўсимликлардан доривор лимонўтнинг биологик хусусиятлари, географик тарқалиши, кимёвий таркиби, ишлатилиши, доривор препаратлар тайёрланиши ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар: доривор лимонўт, ялпиздошлар, эфир мойи, хом-ашё, зигоморф, эфир мойи, сув миқдори, флавоноидлар, ошловчи моддалар, актиноморф, каротин, лимонен, осмотик босим, доривор препаратлар

Республикамизда доривор ўсимликларнинг халқ табобатида қўлланилиши ва фармацевтика соҳасидаги эҳтиёжларни қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса эфир мойли ўсимликларга бўлган талаб ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти бўйича, 60% доривор препаратлар ўсимликлардан тайёрланади. Ялпиздошлар оиласига мансуб лимонўт ҳам эфир мойга бойлиги ва дориворлиги билан катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон флорасида ўсимликларнинг 4650 тури мавжуд бўлиб, улардан 650 тури эфир мойли ва 700 дан ортиқ тури доривор эканлиги аниқланган. Мазкур ўсимликларнинг 30 тури халқ хўжалигининг турли тармоқларида, айниқса, озиқ-овқат саноатида ҳамда дори-дармонни тайёрлашда асосий хом-ашё ҳисобланади [2]. Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти бўйича, 60% доривор препаратлар ўсимликлардан тайёрланади. Ўрта Осиёда 500 дан ортиқ тур қадимдан ҳар хил касалликларни даволашда ишлатилган. Ялпиздошлар – Lamiaceae оиласига 200 туркум 3500 тури мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда 38 туркумга мансуб 214 тури ўсади. Улар иссиқ ва мўътадил иқлимли худудларда тарқалган бўлиб. Бир йиллик, кўп йиллик ўт, чала бута, тропик минтақаларда эса баъзан бута ва дарахтсимон ўсимликлардир. Поялари 4 қиррали. Оддий баргли бўлиб пояда қарамақарши жойлашган, ёнбаргсиз. Гултожбарглари икки лабли, устки лаби 2 та, осткиси 3 та гултожбаргдан иборат. Чангчилари 4 та, баъзан 2 та. Уруғчиси 2 та мевабаргли. Меваси-ёнғоқча. Гуллари зигоморф, баъзида актиноморф, 5 аъзоли, кўш гулкўрғонли.

Доривор лимонўт-Melissa officinalis L. Ўсимлиги республикамизнинг ҳам кўпгина худудларида тарқалган [3].

Доривор лимонўт (Melissa officinalis L.) Кўп пояли, тукли, тик ўсувчи кўп йиллик ўт ўсимликдир. Барглари тухумсимон, ўткир учли, йирик аррасимон қирқилган, ости томони туксиз, усти калта тукчалар билан қопланган бўлиб, эфир мойли ялтироқ безчалар билан қопланган, узун банди ёрдамида поя ва шохларида қарама-қарши жойлашган (1-расм). Гуллари кўримсиз ва майда гуллари бироз пушти, бинафша ёки октусда бўлиб, улар тўпгулни ташкил қилади. Гуллари узун тукли, гулбандли, новдаларда халқа шаклида. Гултожбарглари оқ, ташқи томони тукчали. Гуллари узун, тукли гул бандли ва осилган кўринишида бўлиб, сийрак тўпгулга жойлашган. Косачаси тиканли тишли, гултожиси икки лабли, оқ рангли Гуллари узун, тукли гул бандли ва осилган кўринишида бўлиб, сийрак тўпгулга жойлашган. Косачаси тиканли тишли, гултожиси икки лабли, оқ рангли Уруғи уч қиррали, чўзинчок тўқ қўнғир ранглидир. Оилага кирувчи вакилларнинг поя ва барглари ўздан эфир мойини ажратувчи безли тукчалар билан қопланган. Оиланинг муҳим белгиларидан бири ҳам эфир мойларга бойлиги ҳисобланади.

1-расм Лимонўт ўсимлиги баргининг кўриниши



Гуллари узун, тукли гул бандли ва осилган кўринишида бўлиб, сийрак

тўпгулга жойлашган. Косачаси тиканли тишли, гултожиси икки лабли, оқ рангли

Уруғи уч киррали, чўзинчок тўқ қўнғир ранглидир [1]. Оилага кирувчи вакилларнинг поя ва барглари ўздан эфир мойини ажратувчи безли тукчалар билан қопланган. Оиланинг муҳим белгиларидан бири ҳам эфир мойларга бойлиги ҳисобланади.

Доривор лимонўтнинг ер устки қисми таркибида 0,02 - 0,14% эфир мойи 150 мг % витамин С кофе, олеанол, урсол ва бошқа кислоталар, флавоноидлар 5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор. Уруғларида 20 фоизга қадар ёғли мой бўлади.

Лимон ўт ўсимлигининг ер устки қисми 0,02-0,2% гача баъзи ҳолларда 0,8% гача эфир мойи тутади. Эфир мойининг сифати иқлим ва географик омилларига боғлиқ бўлади. Кимёвий таҳлилларга кўра лимон ўти ер устки қисмининг учки қисмида 0,13% ташкил этади. Шунингдек, баргларида 0,39-0,44% эфир мойлари мавжуд. Эфир мойининг энг ҳарактерли компонентлари -монотерпенларга тегишли бўлиб, цитраль, гераниол, нерол, цитронеллол, цитронеллалдан иборат. Шунингдек, лимон ўтидан олинган эфир мойларининг таркибида 200 дан ортиқ бирикмалар мавжуд бўлиб, хушбўй лимон хидини берувчи нераль ва гераниаль мавжуд. Доривор лимонўтнинг ер устки қисми таркибида 0,02 - 0,14% эфир мойи 150 мг % витамин С кофе, олеанол, урсол ва бошқа кислоталар, флавоноидлар 5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор. Уруғларида 20 фоизга қадар ёғли мой бўлади.

Ер устки қисми таркибида 0,01—0,33% эфир мойи, С витамини, каротин, фенилкарбон кислоталар (кофе, хлороген, розмарин, ферул, протокатех ва бошқалар), тритерпенлар, флавоноидлар (лютеолин-7-гликозид ва бошқалар), 5—10% ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида 20—27% ёғ бор. Лимонўтнинг эфир мойи гераниол, линалоол, нерол, фарнезол ва уларни сирка кислотаси билан бирикмаси, лимонен, пулегол, гераниал, нерал ва бошқа терпенлардан ташкил топган [4].

ЎзМУ Ботаника боғи шароитида лимонўтнинг баргининг таркибидаги сув миқдори ва ўзида сувни сақалаш хусусияти, ўсимлик хужайра ширасидаги осмотик босими ўрганилди.

Доривор лимонўт -*Melissa officinalis* L. ўсимлиги таркибидаги сув миқдори куйидагича ўзгариб турди май ойида 88 %июл ойида эса 87,68 % гача камайди (1- жадвал).

1-жадвал

Доривор лимонўт -*Melissa officinalis* L. ўсимлиги таркибидаги сув миқдори

Ўсимлик номи	Ўтказилган вақт	Ўсимлик таркибидаги сув миқдори	Ўртача %
09.05.2017	89.0	88	
	88.6		
	86.4		
23.06.2017	83.4	83.86	

Доривор лимонўт -Melissa officinalis L.	84.6	
	83.6	
09.07.2017	87.63	87.68
	87.5	
	87.92	

Доривор лимонўт -Melissa officinalis L. Ўсимлигининг хужайра ширасидаги осмотик босимини рефрактометр асбобида ўлчаганимида, май ойида 7 атм , июн ойида 12 атм ҳамда июл ойида 18 атм гача қўтарилганини аниқладик. (2-жадвал).

2-жадвал

Доривор лимонўт -Melissa officinalis L.нинг хужайра ширасидаги осмотик босими, атм

Ўсимлик номи	Ўтказилган вақт	Осмотик босими, атм
Доривор лимонўт -Melissa officinalis L.	15.05.2016	7
15.06.2016	12	
15.07.2016	18	

Яшил ўсимликлар барча тирик организмларни нафас олиши учун зарур бўлган кислород билан таъминлайди. Улар ўз фаолияти давомида аорганик моддаларни органик моддаларга айлантиради. Маълумки, органик моддалар кишилар ва хайвонлар учун зарур озик хисобланади. Ўсимлик инсон хаёти учун зарур маҳсулотлар крахмал, қанд, оксил, мой, каучук, тола, қоғоз, эфир мойлари, буёқлар, доривор моддалар, тамаки, чой, кофе, какао, виномевалар, сабзавотлар, хар хил кислоталар, витаминлар, клейлар асаллар ва хайвонларучун ем-хашаклар етказиб беради. Ялпиздошлар оиласига мансуб ўсимликлар манзарали, доривор, озик-овқат сифатида халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилади.

Лимонўт доривор препаратлари Ибн Сино айтишича юракни мустаҳкамлайди ва унга ёрдам беради, шунингдек, трахома, хиқичоқ тутиш, оғиздан ёмон ҳид келиши ва бошқа касалликларни даволайди. Халқ табобатида лимонўт билан невроз, бронхиал астма, аёлларни токсикоз, климакс, юрак уришини бузилиши ва бошқа касалликлар даволанади.

Лимонўт дамламаси клиник шароитида синовлардан ўтган ва уни тиббиёт амалиётида тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи восита сифатида қўллашга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган.

Ўсимлик хом-ашёларидан тайёрланган дори-дармонларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дарҳақиқат. Шундай экан бу талабни тўлиқ қондириш учун ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга, улардан кўпроқ дори-дармонлар тайёрлашга эътибор бериш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зоҳидов Ҳамиджон. Шифо хазинаси II. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. Б 46-48.
2. Иргашев Ш. Табиатнинг ўзи табиб Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003. Б 44-45.
3. Д.Н. Жамолова, А.А.Маткаримова Доривор лимонўт (*Melissa officinalis* L.) нинг морфо – биологик хусусиятлари
4. Набиев М. Сабзавот резавор мевалар зираворлар хосияти. Тошкент:Мехнат,1990. Б 139-40.